

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА  
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

*Лойиха*

## УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИДА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

(социологик тадқиқот натижалари, октябрь 2018 йил)



Тошкент 2018

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ (РЕЗЮМЕ)

2018 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича “Уй хўжаликларида бандлик масалаларини ўрганиш” мавзусидаги социологик тадқиқот Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази масъул ходимлари ҳамда ҳудудлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ходимларидан иборат гуруҳлар томонидан 2018 йилнинг октябрь ойида ўтказилди.

**Мақсад ва вазифалари.** Ушбу социологик тадқиқот банд бўлмаган аҳоли сонини ҳисоблаш учун маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар сонини аниқлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 72 та туман ва шаҳарларида “Уй хўжаликларида бандлик масалаларини ўрганиш” сўровномаси (Анкета) асосида ўтказилди. (Илова 1).

Мазкур ўрганиш асосида меҳнат ресурсларини баҳолаш, ҳисобот ва прогноз баланслари ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган фуқароларнинг сифат таркиби тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилди.


**Тадқиқот ўтказиш методологияси.** Сўров ўтказиладиган уй хўжаликларини саралаш ҳар бир туман (шаҳар) бўйича маълумотларнинг намунавийлигини таъминлаш мақсадида, ҳар бир туман (шаҳар)да уй хўжаликларининг 0,3 фоиздан кам бўлмаган миқдорини қамраб олиш орқали амалга оширилди. Уй хўжаликларини танлаш икки босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда аҳоли пунктлари саралаб олинди. Бу жараён ҳар чорақда бир марта амалга оширилиб, бир йилда жами 4 марта ўтказилади. Аҳоли пунктларини саралаб олиш эҳтимоли ундаги мавжуд уй хўжаликларинг (ёки аҳоли) сонига боғлиқ.

Танлашнинг иккинчи босқичида эса – уй хўжаликларини саралаш амалга оширилди. Белгиланган тартибда барча уй хўжаликлари рўйхатини саралаб олинган аҳоли пунктлари бўйича электрон тарзда шакллантирилади. Ушбу рўйхат асосида Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази уй хўжаликларини саралашнинг иккинчи босқичини амалга оширади ҳамда келгуси уч ойдаги ўрганишда фойдаланиладиган уй хўжаликлари рўйхатини шакллантиради.

Мазкур социологик тадқиқотга Марказ ходимлари билан бир қаторда худудлардан **58 нафар** малакали мутахассисларни (давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий ва ўрта-махсус таълим муассалари ходимларини) шартнома асосида интервьюер сифатида жалб қилинди. Интервьюерлар учун социологик сўровни ўтказиш тартиби ва методологияси юзасидан супервизорлар томонидан ўқув семинар-тренинг ўтказилди.

Худудлардан жалб қилинган интервьюерларнинг айрим миқдор ва сифат кўрсаткичларининг таҳлили қуйидагича:




### Расм 1. Интервьюерларнинг ижтимоий-демографик структураси

Интервьюерларнинг 46,6% - эркаклар, 53,4% - аёллар, 20 - 30 ёшдагилар 20,7%, 31 - 45 ёшдагилар 60,3%, 46 - 60 ёшдагилар 19% ташкил этиб, интервьюерларнинг аксарият қисми олий маълумотли бўлиб, 57% олий ва ўрта-махсус таълим муассалари, 43% давлат (маҳаллий) бошқарув органи ходимларини ташкил этди.

Уй хўжаликларида сўровнома ўтказиш - интервьюернинг ўрганиш ўтказиладиган уй хўжаликлари рўйхатида тасодифий танлаб олинган хонадонларга бевосита ташриф буюриши орқали амалга оширилди. Барча кузатув бирликлари бўйича анкета саволларига жавоблар уй хўжалиги бошқа аъзоларининг бандлигини аниқлашда ўзини ваколатли деб ҳисоблайдиган 18 ёшдан кичик бўлмаган уй хўжалиги аъзосидан олинди. Интервьюерлар уй хўжаликларига ташриф буюриб анкетага мувофиқ ёши белгиланган шахслар билан сўров ўтказиши ҳамда респондентнинг жавобларини анкетада қайд этади

ҳамда жавобларнинг бирламчи мантиқий назоратини амалга оширади.

**Ўрганиш натижалари.** Социологик сўров дастурига асосан Республиканинг танланган ҳудудларида 2018 йил октябрь ойида ўтказилган социологик тадқиқотда танлаб олинган кўлам 3960 бирликни ташкил этди, шундан 360 та фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг (маҳалланинг) 3600 та уй хўжаликларига уйма-уй кирган ҳолда ўрганиш



ўтказилди. Танлаб олишни шакллантириш халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида (61 туман ва 11 шаҳарда жойлашган 360 маҳаллалар) амалга оширилди.

**Умуман олганда** кузатув натижасига кўра вилоят ва туман марказларида яшайдиган аҳоли асосан - давлат ташкилотлари ва муассасаларида, ижтимоий соҳаларда, саноат ва қурилиш тармоқларида, савдо, умумий овқатланиш, тадбиркорлик, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ва ташқи меҳнат миграциясида бандлиги маълум бўлди. Табиийки қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида яъни деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ўзининг шахсий томорқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан банд. Бундан ташқари ушбу тадқиқот октябрь ойида ўтганлиги учун қишлоқ аҳолиси асосан норасмий яъни мавсумий ишларда бандлиги кузатилди. Шунингдек жойларда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликда ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг фаоллиги муайян ўсиши рўй бермоқда.

Шундай қилиб, республика бўйича социологик сўров билан 3600 уй хўжалигидан 18016 киши қамраб олинди. (Илова 2)

Тўпланган маълумотлар асосида меҳнат ресурслари баланси ҳудудлар (туман, шаҳарлар) кесимида ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, шунингдек бошқа тегишли ташкилотларга 3-иловада келтирилган шакл кўринишида юборилади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотиغا кўра 2018 йил 1 октябрь ҳолатига республикада аҳолининг ўртача сони 32 870,9 минг кишини ташкил этади. Шунингдек, жорий йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра меҳнат ресурслари 18 814,1 минг кишини ташкил этган ҳолда улардан 18 697,2 минг

киши меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолини ва 116,9 минг киши пенсия ёшидаги ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик бўлган иқтисодиётдаги банд кишиларни ташкил этган. Шундан, иқтисодий фаол аҳоли 78,1% ташкил этган бўлса, иқтисодий нофаол аҳоли 21,9% тўғри келган.

Маълумотларга кўра жами бандларнинг 2/5 қисми расмий секторда шаклланган бўлиб, январь-июнь ҳолатига нисбатан 66,0 минг кишига ортиши кузатилди. Бу асосан статистик маълумотлар базасига асосланган иқтисодиёт тармоқларидаги (юридик шахслардаги) бандларнинг ортиши орқали кузатилди.

Норасмий фаолият орқали бандликни таъминловчилар сони эса кам миқдорда ортгани билан норасмий секторнинг таркибий индикаторларида январь-июнь ҳолатига нисбатан кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин. Ўрганиш натижаларига кўра энг кўзга ташланадиган фарқ бу мавсумий ишларда бандларнинг ортиши билан боғлиқдир. Август-сентябрь ойларида қишлоқ хўжалигида бажариладиган ишларнинг кўпайиши ва даромад олиш учун яхши имконият бўлганлиги сабабли кўпчилик фуқаролар мавсумий қишлоқ хўжалик ишларида банд бўлганликларини эътироф этишди. Январь-июнь ҳолатига кўра жами ўсиш 200,4 минг кишини ташкил этган ҳолда 122,8% кўрсаткични ташкил этган.



Шунингдек, бир марталик ишларни бажарувчилар, деҳқон хўжаликларида бандлар, ташқи мигрантлар ва ишга жойлаштиришга муҳтож фуқаролар январь-июнь кўрсаткичларига қараганда анча камайган. Бунинг асосий сабаби мавсумий қишлоқ хўжалик ишларида даромад олиш имкониятини юқори бўлиши ва фуқароларни шу ишларда банд бўлиш билан боғлиқ.

Рўйхатдан ўтмаган ишга жойлаштиришга муҳтож банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз сифатида расмий рўйхатдан ўтганлар январь-июнь кўрсаткичларига кўра 42,0 минг кишига камайган ва ишсизлик даражаси республика бўйича 9,0% бўлишини таъминлади. Иш билан банд бўлмаганлар сони катта бўлган вилоятлар, аҳоли сонини юқори бўлиши билан корреляция бўлди. Бунда, ҳусусан Сурхондарё (9,6%), Самарқанд (9,5%), Қашқадарё (9,5%) ва Фарғона (9,4%) вилоятларида ишсизликнинг юқори бўлиши кузатилди. Иш билан банд бўлмаганларнинг 59,5% 30 ёшгача бўлганлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, иш билан банд бўлмаганлар таркибида эркаклар ва аёллар сони

деярли бир хил бўлиб, мос равишда 47,4% ва 52,6% ташкил этди.



**Расм 2. 18-30 ёшдаги вақтинча ишсиз аҳолининг эгаллаган касб-хунари/мутахассислиги бўйича ишламаганлик сабаблари**

Ўрганишлар аҳолининг вилоят ичидаги (яъни, туман/шахарлараро) меҳнат мобиллиги 5% ортиқ эканлигини, республика ичида эса 10% атрофида эканлигини кўрсатди.



**Расм 3. 18-30 ёшдаги вақтинча иш билан банд бўлмаган ёшларнинг фикри бўйича долзарб касблар**

Ўрганилган даврда республикадан ташқарига четга ишлашга кетганлар сони 2593,7 минг кишини ташкил этган, бу кўрсаткич январь-июнь ҳолатига нисбатан 98,1% ташкил этади. Меҳнат мигрантларининг ишлаган давлатлари кесимида таҳлиллар қуйидаги диаграммада келтирилган:



**Расм 4. Меҳнат мигрантларининг ишлаган давлатлари кесимида тақсимоти**

**Кузатув натижасига кўра аҳоли бандлиги масалалари борасида қуйидаги ҳолатлар ва муаммолар аниқланди:**

- давлат рўйхатидан ўтмасдан норасмий равишда тадбиркорлик фаолият турлари (озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, масалан, ширинликлар ва миллий таомлар, мева ва сабзавотларни консервация қилиш, уйда нон ёпиш ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш, масалан, мебелларни таъмирлаш, дераза ва эшик ромларини тайёрлаш, қурилиш ишлари, хизматлар амалга оширувчилар, масалан, хонадонларда чакана савдо, автомобиллар, сантехника ва бошқа турли маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, косибчилик, бичиш-тикиш каби хизматлари ва бошқалар) билан шуғулланиши кузатилди;

- муносиб ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг етишмаслиги, ёшларни ишга жойлашишларидаги қийинчиликлар, бунда асосан олий маълумот ёки иш стажига эга бўлмаган ёш кадрларни ишга жойлашишларидаги мураккабликлар;

- тақдим этилаётганлиги иш ўринлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг камлиги сабабли ёшлар иш излаб хорижга чиқиб кетиш ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги;

- қишлоқ жойларда юқори ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли ёшларнинг хорижга меҳнат қилиш учун чиқиб кетишлари;

- қишлоқ ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритишни режалаштирган тадбиркорлар учун кредит олишнинг мураккаблиги.

## Аҳоли бандлигини ва иш ўринларини ташкил этиш ҳолатларини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар:

Давлат ташкилотлари ходимларининг меҳнатини меъёрлаштириш ва иш ҳақини ташкил этишни қайта кўриб чиқиш

Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж асосан долзарб касбларга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиш, шунингдек олий ва ўрта махсус тизимидаги ўқув юртларининг мутахассислик тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш

Мавсумий қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган ёшлардан қурилиш отрядлари тузиш орқали ёшларни доимий иш билан таъминлаш чора тadbирлар механизмини ишлаб чиқиш

Тadbиркорликни бошлашни режалаштираётган ёшлар учун пухта ишланган бизнес режалар тузишда Савдо саноат палатасининг ахборот маслаҳат марказлари ва бошқа консалтинг хизматларини фаоллаштириш

Хизмат кўрсатиш соҳаларини, оилавий тadbиркорлик ва қасаначиликни барқарор ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларини имкониятларидан самарали фойдаланиш

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, республиканинг чорвачиликка ихтисослашган туманларида майда шохли молларнинг жунларини қайта ишлаш мини корхоналарини ташкил этиш

Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларини ҳудудий қайта тақсимлаш, қишлоқ жойларида йирик компаниялар ва корхоналарнинг шўъба корхоналарини барпо этиш

Рақамли ва инновацион иктисодиётга ўтишда яратилаётган иш ўринларининг сифатига (юқори технологик соҳаларга) ҳам эътибор бериш ва ишчи қучини расмий экспортини кенгайтиришнинг мақсадли йўналтирилган қўшимча чора тadbирларини ишлаб чиқиш

Уюшган миграция тизимини яхшилаш борасида туманлар миқёсида меҳнат мигрантлари учун ўқув семинарларини ташкил этиш, уларни миграцияга доир қонун ҳужжатлари билан таништириш

Иш билан банд бўлмаган ёшлар учун ихтисосликларни ўзлаштирилиши мураккаблигини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган (3, 6, 12, 18 ва 24 ойлик) касб-хунарга тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш

Оммавий ахборот воситалари орқали расмий бандликнинг фойдали жиҳатларини тарғибот қилиш билан норасмий тadbиркорлик қилувчи фуқароларни камайтириш ва расмий бандликни оширишга эришиш

Меҳнат бозорига оид ҳаққоний маълумотларни оператив шаклда таъминлаб беришни ташкиллаштириши мақсадида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳаллий фуқаролар тўғрисида маълумотлар базасини электрон кўринишда ҳар чорак мобайнида киритиб боришни йўлга қўйиш

Ишсизликни баҳолаш методологиясини такомиллаштириш, шунингдек турли ҳудудий кесимда ва аҳолининг турли хил қатламлари даражасида, норасмий бандликнинг ўзгариш динамикаси махсус танланма сўров орқали меҳнат миграцияси иштирокчилари ва вақтинчалик банд бўлмаган аҳолининг янада аниқ ҳисобини юритиш



**Аҳоли, оила ва уй хўжаликлари таркиби <sup>1)</sup>**  
**(социологик тадқиқот натижалари, октябрь 2018 йил)**

№	Худудлар номи	Ўрганилган,			Аҳоли сони, (киши)			Уй хўжалик-лари сони	Оилалар сони	Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, (киши)	Банд аҳоли сони, (киши)	Меҳнат мигрантлар сони, (киши)		
		худудлар сони	маҳаллалар сони	УХ сони	Жами	шу жумладан						Жами	шу жумладан	
						эркак	аёл						ташқи	ички
	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>72</b>	<b>360</b>	<b>3600</b>	<b>1 436 995</b>	<b>707 614</b>	<b>729 381</b>	<b>265 986</b>	<b>357 850</b>	<b>788 218</b>	<b>634 653</b>	<b>60 921</b>	<b>46 714</b>	<b>14 247</b>
<b>1</b>	Қорақолпоғистон Республикаси	6	30	300	171 091	89 072	82 019	27 834	35 968	98 568	69 983	5 501	5 501	-
<b>2</b>	Андижон	6	30	300	86 353	41 835	44 518	16 035	23 112	49 418	45 060	4 498	3 008	1 490
<b>3</b>	Бухоро	5	25	250	73 990	35 892	38 098	14 799	20 772	41 323	29 992	4 115	3 463	652
<b>4</b>	Жиззах	5	25	250	101 645	50 131	51 514	15 789	21 666	49 067	36 055	4 601	2 978	1 623
<b>5</b>	Қашқадарё	5	25	250	94 113	46 236	47 877	16 297	22 456	53 564	43 102	4 326	2 690	1 636
<b>6</b>	Навоий	4	20	200	90 328	47 401	42 927	18 064	21 931	52 374	47 079	1 293	1 139	154
<b>7</b>	Наманган	4	20	200	68 287	33 578	34 709	11 593	16 413	35 128	29 237	3 890	1 792	2 098
<b>8</b>	Самарқанд	5	25	250	90 605	42 757	47 848	15 108	21 357	48 728	39 730	5 650	4 709	941
<b>9</b>	Сирдарё	4	20	200	94 127	46 432	47 695	18 775	26 533	45 884	36 996	4 405	2 615	1 790
<b>10</b>	Сурхондарё	5	25	250	93 926	46 981	46 945	16 313	21 656	44 522	36 330	5 208	3 763	1 485
<b>11</b>	Тошкент в.	8	40	400	142 233	67 689	74 544	28 550	37 284	76 966	67 728	5 194	3 555	1 639
<b>12</b>	Хоразм	5	25	250	110 205	53 056	57 149	17 650	25 789	66 456	39 873	4 767	4 767	-
<b>13</b>	Фаргона	7	35	350	132 089	65 599	66 490	24 964	32 588	75 917	68 638	6 495	5 792	703
<b>14</b>	Тошкент шаҳри	3	15	150	88 003	40 955	47 048	24 215	30 325	50 304	44 850	978	942	36

<sup>1</sup> Ўрганилган Маҳалла фуқаролар йиғинлари маълумотлари

**2018 йил январь-сентябрь ойлари (9 ойлик) Ўзбекистон Республикаси бўйича  
меҳнат ресурсларининг ҳисоб-китоб баланси (минг киши)**

№	Кўрсаткичлар	2018 йил январь -июнь	2018 йил январь - сентябрь (баҳо)	2018 йил январь-июнь 2018 йил январь- сентябрга нисбатан	
				(+,-)	(%)
I	<b>Иқтисодий фаол аҳоли</b>	<b>14569,5</b>	<b>14599,7</b>	<b>30,2</b>	<b>100,2</b>
1	<b>Бандлар, жами</b>	<b>13219,9</b>	<b>13292,1</b>	<b>72,2</b>	<b>100,5</b>
	шу жумладан:				
1.1.	<b>Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар:</b>	<b>5317,3</b>	<b>5383,3</b>	<b>66,0</b>	<b>101,2</b>
	улардан:				
1.1.1.	Иқтисодиёт тармоқларида бандлар (юримдик шахслар)	4515,3	4566,8	51,5	101,1
1.1.2.	Юримдик шахс ташкил этмасдан патент асосида (рухсатнома билан) ишлаётган тадбиркорлар	333,7	347,2	13,5	104,0
1.1.4.	Дехқон хўжаликларидаги бандлар	20,5	21,5	1,0	104,9
1.1.5.	Бошқа ташкилот ва муассасаларда	447,8	447,8	0,0	100,0
1.2.	<b>Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар:</b>	<b>7902,6</b>	<b>7908,8</b>	<b>6,2</b>	<b>100,1</b>
	улардан:				
1.2.1.	Вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар	1632,5	1766,5	134,0	108,2
а)	вақтинчалик бир марталик ишларни бажарувчилар	752,4	686,0	-66,4	91,2
б)	вақтинчалик мавсумий ишларни бажарувчилар	880,1	1080,5	200,4	122,8
1.2.2.	Меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оила аъзоларига ва тадбиркорларга ёрдам берувчилар	807,4	783,7	-23,7	97,1
1.2.3.	рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар	1264,4	1262,5	-1,9	99,8
	улардан:				
а)	бозорда ишловчилар (савдо-сотик, сотувчи ва харидорларга хизмат кўрсатиш) ва бозордан ташқарида савдо қилувчилар (чакана савдо, муайян савдо қилиш жойисиз)	587,3	609,7	22,4	103,8
б)	тадбиркорликнинг бошқа турлари (киракашлик, хунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш)	677,1	652,8	-24,3	96,4
1.2.4.	Дехқон хўжаликларидаги бандлар	1554,2	1502,4	-51,8	96,7
1.2.5.	Республикадан ташқарига четга ишлашга кетганлар	2644,1	2593,7	-50,4	98,1
2	<b>Ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар</b>	<b>1349,6</b>	<b>1307,6</b>	<b>-42,0</b>	<b>96,9</b>
	Ишсизлик даражаси, %	9,3	9,0	х	х
	улардан:				
2.1	Ишсиз сифатида расмий рўйхатдан ўтганлар.	82,3	62,9	-19,4	76,4
2.2	Рўйхатдан ўлмаган ишга жойлаштиришга муҳтож банд бўлмаган аҳоли	1267,3	1244,7	-22,6	98,2
II	<b>Иқтисодий нофаол аҳоли</b>	<b>4222,7</b>	<b>4214,3</b>	<b>-8,4</b>	<b>99,8</b>
	улардан:				
2.1.	Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар	1673,7	1673,7	0,0	100,0
2.2.	Туғруқ таътилидаги ёки 2 ёшгача болаларини парваришловчи аёллар	1711,7	1726,1	14,4	100,8
2.3.	Ишлашни хоҳламайдиган ёки дарҳол ишга жойлашишга имконияти йўқлар	837,3	814,5	-22,8	97,3
III	<b>Жами меҳнат ресурслари</b>	<b>18792,2</b>	<b>18814,1</b>	<b>21,9</b>	<b>100,1</b>
	улардан:				
3.1.	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	18676,2	18697,2	21,0	100,1
3.2.	Пенсия ёшидаги ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик бўлган иқтисодиётда банд шахслар	116,0	116,9	0,9	100,8

Ўзбекистон Республикаси бўйича меҳнат ресурсларининг 2018 йил январь-сентябрь учун ҳисоб-китоб баланси <sup>1)</sup>

Худудлар номи	Иқтисодий фаол аҳоли <sup>2)</sup>	Бандлар, жами <sup>3)</sup>	Шу жумладан:			Ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар <sup>5)</sup>	Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли <sup>3)</sup>	Жами меҳнат ресурслари <sup>2)</sup>	Аҳолининг ўртача йиллик сони <sup>2)</sup>
			Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар	Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар	улардан, Республикадан ташқарига четга ишлашга кетганлар <sup>4)</sup>					
Ўзбекистон Республикаси	14 599 822	13 292 199	5 383 279	7 908 920	2 593 716	1 307 623	9,0%	4 214 278	18 814 100	32 870 948
Қорақалпоғистон Республикаси	776 980	711 093	284 713	426 380	156 177	65 887	8,5%	287 120	1 064 100	1 851 742
Андижон вилояти	1 399 781	1 269 655	419 195	850 460	329 618	130 126	9,3%	332 919	1 732 700	3 031 112
Бухоро вилояти	897 167	820 589	356 228	464 361	154 615	76 578	8,5%	183 333	1 080 500	1 880 625
Жиззах вилояти	507 633	465 029	182 464	282 565	79 636	42 604	8,4%	257 067	764 700	1 334 941
Қашқадарё вилояти	1 344 635	1 217 349	489 887	727 462	192 159	127 286	9,5%	460 765	1 805 400	3 171 785
Навоий вилояти	444 730	408 003	242 475	165 528	40 700	36 727	8,3%	106 070	550 800	963 892
Наманган вилояти	1 165 556	1 057 316	316 182	741 134	227 503	108 240	9,3%	396 344	1 561 900	2 718 646
Самарқанд вилояти	1 627 362	1 472 861	497 647	975 214	368 441	154 501	9,5%	471 138	2 098 500	3 748 924
Сурхондарё вилояти	1 074 462	971 093	323 882	647 211	162 426	103 369	9,6%	365 838	1 440 300	2 534 320
Сирдарё вилояти	396 037	362 915	165 439	197 476	74 434	33 122	8,4%	83 863	479 900	820 845
Тошкент вилояти	1 347 135	1 232 956	510 748	722 208	192 691	114 179	8,5%	281 165	1 628 300	2 874 704
Фарғона вилояти	1 601 863	1 451 053	529 153	921 900	306 388	150 810	9,4%	441 237	2 043 100	3 642 910
Хоразм вилояти	783 994	711 678	260 259	451 419	166 649	72 316	9,2%	227 806	1 011 800	1 815 081
Тошкент шаҳри	1 232 488	1 140 610	805 007	335 603	142 279	91 878	7,5%	319 612	1 552 100	2 481 421

<sup>1)</sup> Дастлабки маълумотлар

<sup>2)</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

<sup>3)</sup> Давлат статистика қўмитаси ва 2018 йил октябрь ойида ўтказилган тадқиқотлар натижаси маълумотлари.

<sup>4)</sup> 2018 йил октябрь ойида ўтказилган тадқиқотлар натижасига қўра баҳо


<sup>5)</sup> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари ва 2018 йил октябрь ойида ўтказилган тадқиқотлар натижаси асосида баҳоланди.

Маълумотларнинг 2018 йил январь-июнь кўрсаткичларига нисбатан ўзгариши:

■ - ижобий, ■ - ўзгармаган, ■ - салбий.


Ишсизлик кўрсаткичининг ўзгариши: ■ - салбий, ■ - ўзгармаган, ■ - ижобий.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРИ АХОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ КУРСАТКИЧЛАРИ (2018 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ХОЛАТИГА КУРА)



Давлат статистика кўмитаси ва 2018 йил октябрь ойида ўтказилган тадқиқотлар натижаси маълумотлари асосида тайёрланган

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРИ АХОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ КУРСАТКИЧЛАРИ (2018 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ХОЛАТИГА КУРА)



Давлат статистика кўмитаси ва 2018 йил октябрь ойида ўтказилган тадқиқотлар натижаси маълумотлари асосида тайёрланган